

## ИЛГАРИ СУДЛАНГАН ШАХСЛАР ЎРТАСИДА ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ МАХСУС ПРОФИЛАКТИКАСИ ЧОРА- ТАДБИРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси  
ИИВ Академияси 3-босқич курсанти  
Файзуллаев Ферузбек Қилич ўғли

**Аннотация.** Ушбу мақолада Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирлари тўғрисида фикр юритилган ҳамда ушбу фаолият юзасидан кўплаб тушунчаларга таъриф берилган.

**Калит сўзлар:** ҳуқуқий асослари, зўравонлик, эътиқод қилиш, тинтув ўтказиш, тажовуз, норматив-ҳуқуқий ҳужжат

Мазкур мавзуда Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликлар махсус профилактикаси чора-тадбирлари тўғрисидаги профилактикаси фаолиятининг ҳуқуқий тартибни белгилаб берувчи ҳуқуқий асосларнинг тизими, уларни қўллаш аҳволи таҳлил қилинади.

Маълумки, жамиятнинг маънавий қиёфаси бевосита қонун устуворлигига боғлиқ, биз қонунга бўйсуниб яшашни турмуш тарзига айлантормас эканмиз, жиноятчиликнинг олдини олиш муаммо бўлиб қолаверади<sup>1</sup>. Ҳуқуқбузарликлар профилактикасида яқка профилактик фаолият ўзи ҳам муайян ҳуқуқий асослар замирида ташкил этилади, қонунга асосланмаган ҳар қандай фаолият нафақат ҳуқуқий демократик давлат принципларига зид, балки амалдаги ҳуқуқ-тартиботни таназзулга олиб келади.

Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чоратадбирлари, ички ишлар органлари соҳавий хизматлари ходимлари, бошқа давлат органлари ва муассасалари, жамоатчилик тузилмаларининг вакиллари билан илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини ҳамкорлик тартиби, асосий йўналишлари ва ўзига хос жиҳатларида намоён бўлади. Профилактика инспекторининг илгари судланган шахслар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирлари учун зарур назарий билим, касбий малака ва кўникмаларни ҳосил қилишида манба бўлиб хизмат қилади.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022—2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60сонли Фармони. : <http://www.lex.uz>

Профилактика инспекторининг Илгари судланган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси ҳуқуқий асосларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида <sup>2</sup> белгиланган қоидалар бевосита ҳуқуқбузарликларнинг яқка тартибдаги профилактикасини амалга оширишда ҳам бирламчи ҳуқуқий асос сифатида тан олинади.

Хусусан, Конституцияда белгиланган «Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйикқа дучор этилиши мумкин эмас. Ҳеч кимда унинг розилигисиз тиббий ёки илмий тажрибалар ўтказилиши мумкин эмас» (26-модда), «Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовулардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва тураржойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг тураржойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши мумкин эмас» <sup>3</sup>, «Ўзбекистон Республикаси фуқароси республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир»<sup>4</sup>, «Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим» (29-модда), «Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди» (31-модда) каби мазмундаги қоидалар шулар жумласидандир;

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг<sup>5</sup> 7-моддаси «Маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш» деб номланиб давлат органлари, айниқса, ички ишлар органлари, хусусан профилактика хизматлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилишига олиб келувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга, фуқароларни онгли, интизомли бўлишга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтирилган тадбирлар ишлаб чиқишлари ва уларни амалга оширишлари белгилаб ўтилган.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т. 2020 йил

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 27-модда – Т. 2020

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 28-модда – Т. 2020

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Т., «Адолат», 2021 йил

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Тадқиқотлар ва жиноятчиликка қарши кураш амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, жамиятда жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш қанчалик юқори даражада бўлса, Жиноят кодекси нормаларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича самараси ҳам шунча юқори бўлади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда профилактика хизматларидан ўзларининг барча йўналишлар бўйича фаолиятини амалга ошириш жараёнида албатта жазонинг муқаррарлигини таъминлаш борасида чора-тадбирларни мунтазам равишда амалга оширишни талаб қилади.

Жиноят протсессуал кодекси<sup>6</sup> нормалари жиноят ишларини юритишнинг жиноят-протсессуал қонунларда белгиланган тартибда қонунийлигини мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этишга асос бўлиб хизмат қилади. Хусусан, жиноят-протсессуал қонун ҳужжатларининг вазифалари жиноятларни тез ва тўла очишдан, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этишдан ҳамда қонуннинг тўғри татбиқ этилишини таъминлашдан иборатдир.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Т.П.Ахмедов. Ички ишлар органлари профилактика хизмати фаолиятини бошқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш Т 2004 й.
2. М.А.Нишонов. Озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатилаётган маҳкумларнинг психологик тайёргарлиги муаммолари ва уларни ҳал этиш йўналишлари. Т 2004.
3. Н.Т.Муҳамедбаева. Шаҳар ИИОнинг жиноятчиликни олдини олиш бўйича жамоатчилик ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш ва такомиллаштириш йўллари.Т 2003.
4. А.К.Рахматов. Жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий ребилитатсия ва ижтимоий мослашувини ташкил этиш.

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси.– Т., «Адолат», 2021 йил